

وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿٣٠﴾

«Ва Аллох хохласагина, сизлар хам хохларсиз. Албатта, Аллох билувчи ва хикматли Зотдир». (Инсон сураси, 30- оят)

1973 йилда ўтказган бир катор тажрибалари натижасида, Калифорния университетининг невропсихологи, профессор Бенжамин Либет бизнинг барча қарорларимиз ва чораларимиз олдинроқ бошланишини, яъни англаш ҳамма нарса хал қилингандан факат ярим сония сўнгига содир бўлишини кашф қилди.

Бу бошқа невропсихологлар томонидан, биз аслида ўтган замонда яшаймиз ва бизнинг англашимиз ҳамма нарсани бизга ярим сониядан кейин кўрсатиб берувчи мониторга ўхшайди, деган маънода шарҳланади.

Демак, биз англаб турган кечинмаларнинг бирортаси хам хақиқий пайтда эмас, балки улар хақиқий ходисалар содир бўлгандан ярим сониягача кейиндадир. Б. Либет ўз тажрибасини мия жаррохлиги наркоз ишлатмасдан, бошқача қилиб айтганда, объект тўлиқ эс-хушида бўлган пайтда бажарилиши мумкин деган фактдан қелиб қиккан холда амалга оширди. Б. Либет ўз объектларининг мияларига кичик электр тоқлари билан таъсир ўтказди ва объектлар ўз қўлларига тегилганини пайкашганда, улар бу «тегиш» ни деярли ярим сония олдинроқ хис қилишганини айтишди. Ўзининг ўлчовлари натижасида, Б. Либет қуйидагича хулосага келди:

Ҳамма сезишлар мияга одатдагидек узатилади. Булар англаб етилмасдан туриб ҳосил бўлиши ва жорий этилиши туфайли ўзлик ҳеч нарсадан беҳабар бўлади. Бизнинг идрок этишимиздан олдинроқ пайдо бўладиган, бошқача қилиб айтганда, хабар топишимиз мумкин бўлган маълумот мия қобиғи, англаш жойига маълум бир кечикиш билан узатилади.

Бундан қелиб қикадиган хулоса қуйидагича умумлаштирилиши мумкин: Мускулни қимирлатиш учун қилинган қарор бу қарорнинг онгга етиб бормасидан олдинроқ содир бўлади. Неврологик ёки сезувчанлик жараёни ва бизнинг ўй, ҳиссиёт, сезги ёки у акс эттирадиган ҳаракатдан хабардор бўлишимиз ўртасида ҳар доим кечикиш бўлади. Бошқача қилиб айтганда, биз муайян бир қарор тўғрисида бу қарор қилиниб бўлгандан сўнгига хабар топамиз.

Профессор Б. Либетнинг тажрибаларида бу кечикиш 350 дан 500 миллисониягача, гарчи юзага қеладиган хулоса ҳеч хам бу рақамларга боғлиқ бўлмаса-да, ўзгариб туради.

Чунки Либетнинг фикрига кўра, бу кечикишнинг узоклиги канчалик бўлмасин — у катта ёки кичик бўладими, бир соат ёки микросонияларда давом этадими ёки йўкми, бунинг ахамияти йўк — бизнинг табиий ҳаётимиз ҳар доим ўтган замонда бўлади. Бу ҳар бир ўй, хиссиёт, идрок ёки ҳаракат бизнинг онгимизга етиб боришидан олдин содир бўлишини кўрсатади ва келажак бутунлай бизнинг ихтиёримизда эмаслигини исботлайди.

Бошқа тажрибаларида профессор Б. Либет объектларнинг ўзларига бармоқларини қачон кимирлатиш ёки кимирлатмаслик ихтиёрини колдирди. Объектларнинг миялари уларнинг бармоқлари кимирлаган пайтда монитор орқали кузатиб турилди ва тегишли мия хужайралари объектларнинг аслида қарор қилишларидан олдин ҳаракатга келгани кузатилди. Буни бошқача қилиб айтадиган бўлсак, «бажар!» деган буйруқ индивидуалга етиб боради ва мия ҳаракатни бажаришга тайёрлантирилади; индивидуал бундан факатгина ярим сония кейинроқ хабар топади. У ҳаракат қилишга қарор қилиб, кейин бу ҳаракатни бажармайди, балки у ўзи учун олдиндан ҳал қилиб, белгилаб қўйилган ҳаракатни ижро этади. Бирок мия индивидуалнинг аслида ўтган замонда яшаётганлигини эътироф этувчи ҳар қандай ҳақиқатни рад этиб, мослашиб олаверади. Шу сабабдан, биз «ҳозир» деб назарда тутаётган айни пайтда, аслида ўтган замонда ҳал қилиб қўйилган нарсани бошдан кечирмоқдамиз. Аллақачон муҳокама қилиб ўтганимиздек, бу изланишлар ҳамма нарса, худди Инсон сурасининг 30-оятда ваҳий қилингани каби, Аллоҳнинг хошига кўра содир бўлишини аниқ-равшан кўрсатади.

Хорун Яҳё